

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ**

**БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА  
МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ  
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедиа  
тизимлари ва масофавий таълим методлари”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В - У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**ТОШКЕНТ – 2016 й**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТошДАУ “Информатика ва ахборот технологиялари”  
кафедраси доценти Н.Х.Норалиев ва ассистент  
С.И.Мухамадиев

**Тақризчи :** А.А.Джалилов, Турин политехника  
университети Тошкент филиали профессор.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат аграр университети кенгашининг 2016 йил  
\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

**М У Н Д А Р И Ж А**

<b>I.ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II.МОДУЛНИ ҲҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
<b>III.НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>16</b>
<b>IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>74</b>
<b>V.КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>85</b>
<b>VI.МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>88</b>
<b>VII.ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>90</b>
<b>VIII.ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ .....</b>	<b>100</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Дастур қишлоқ хўжалик йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Ишчи дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари жумладан: Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет ресурсларидан фойдаланиш, мультимедиа презентациялар яратиш, масофавий таълим ва масофавий ўқитиш усуллари, электрон таълим, электрон таълимни бошқариш тизимлари, электрон таълим тизимларига электрон ресурсларни жойлаштириш, оммавий очик курслар, мультимедиа иловаларни яратиш дастурлари, электрон ресурслар яратиш дастурлари билан ишлаш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**"Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари" модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини янги мультимедиа техникаси ва технологиялари, уларнинг дастурий воситалари, масофавий таълим ва унинг моделлари, LMS тизимлари ва уларда таълим олиш масалалари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш.

**"Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари" модулининг вазифалари:**

- мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари, мультимедианинг дастурий таъминоти ва махсулотлари, компьютер техникаси ва унинг қурилмаларини ҳақида;
- Мультимедиа воситаларининг таълимдаги роли ҳақида;
- қишлоқ хўжалик соҳаларида ишлатилаётган тизим ва дастурлар ҳақида;
- электрон таълим ресурслари ва уларнинг турлари ҳақида;
- масофавий ўқитиш ва уни ташкил қилиш усуллари ҳақида;
- масофавий ўқитиш тизими учун электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси ҳақида;
- очик оммавий таълим тушунчаси, LMS тизимлар таҳлили;

- кишлоқ хўжалик соҳаси бўйича масофавий таълим ва оммавий онлайн очик курслар ҳақида;
- on-line муҳотида 3D технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникамаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

"Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари" модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Компьютер техникаси ва унинг асосий ҳамда қўшимча қурилмаларидан, компьютернинг дастурий таъминотидан фойдаланишни **билиши керак**;

- таълимни ташкил этиш принциплари, таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш воситалари, ўқитиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари, таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш бўйича **кўникмаларига эга бўлиши зарур**;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим тизимлари имкониятларидан, интернет тармоғида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, очик онлайн курсларидан фойдалана олиш бўйича **малакаларини эгаллаши лозим**.

- Мутахассисликка оид датурий воситалардан, масофавий таълим ресурсларидан ва оммавий онлайн очик курслардан фойдаланиш ҳамда таълим компонентларини яратиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

"Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари" курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғликлиги ва  
узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги "Инновацион таълим технологиялари", "Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.", "Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ  
ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

касбий ахборот майдонини лойиҳалаш" ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат килади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги вақтга келиб, Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамиятга эгадир.

**Модул бўйича соатлар тақсимооти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		ҳаммасии	Аудитория ўқув юкلامаси			мустақил таълим соати
			жами	жумладан		
				назарий	амалий машғулот	
1.	Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва воситалари	8	6	2	4	2
2.	Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш усуллари. Қишлоқ хўжалигига оид фанларини ўқитишда оммавий онлайн очик курслар	6	4	2	2	2
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва воситалари (2 соат)**

Аграр таълимда мультимедиа воситаларининг ўрни. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Онлайн мультимедиали таълим тизимининг шакли. Мультимедиали таълим элементлари. Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедиа компонентларини солиштириш. 3D технологиялар, виртуал воқеълик тушунчаси. Баҳолашнинг мультимедиали кўринишлари, таълимнинг ўйин элементлари. Blender ёки КОМПАС-3D дастури ёрдамида мультимедиа иловалар яратиш. SCORM ва Tin Can стандартлари. Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча, масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратишнинг тамойиллари, мультимедиали маърузаларнинг категориялари. Storyo, Agrivi, Agrinavia, FarmLogics дастурлари билан танишиш.

**2-мавзу. Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш усуллари. Қишлоқ хўжалигига оид фанларини ўқитишда оммавий онлайн очик курслар**

Масофавий ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари, Масофавий ўқитишнинг хозирги кундаги аҳоли, муаммолари, масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари, техник ва дастурий талаблари, масофавий ўқиш, масофавий таълим, масофавий ўқитиш тизими, ўқув муассасасида масофавий таълим (МТ) жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар. Масофавий таълим моделлари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Масофавий ўқитиш моделлари. LMS тушунчаси. LMS тизимларининг асосий функциялари, LMS тизимларининг тахлили. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар тахлили, LMS тизимларининг тахлили, масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи дастурий мажмуалар LMS, Moodle, Atutor, Claroline, OLAT, Efront, Sakai, Dokeos, Chamilo, ILIAS, LAMS, Open Elms. Оммавий онлайн очик курслар. Acs.edu.co.uk, gooduniversitiesguide.com.au, adlonlinecourses.com, study.com, ufv.ca, are.uwa.edu.au, open2study.com, animalagclimatechange.org, dal.ca, online.colostate.edu масофавий таълим ва Оммавий онлайн очик курслари тўғрисида маълумот.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот: Аграр таълим учун мультимедиали компонентларини яратиш.**

Мультимедиа такдимотларини MS Power Point дастури ёрдамида яратиш. MS Power Point дастурига ISpring Pro элементларини ўрнатиш ва ишлатиш. ISpring Pro дастури ёрдамида электрон ўқув қўлланма яратиш. ISpring Kinetics дастурида глоссарий яратиш. ISpring QuizMaker дастурида электрон тестлар тайёрлаш. Blender ёки КОМПАС-3D дастури ёрдамида мультимедиа иловалар яратиш.

#### **2- амалий машғулот: Қишлоқ хўжалигига оид предмет ва объектларни 3 ўлчовли моделларини яратишда Компас-3D дастури билан ишлаш.**

Компас-3D дастури имкониятлари. Дастур интерфейси билан танишиш. Менюлари ва инструменлари билан ишлаш. 3 ўлчамли график объектларни яратиш. Объект хусусиятларини ўзгартириш ва уларни ҳаракатга келтириш.

#### **3-амалий машғулот. Қишлоқ хўжалиги соҳаларига тегишли ахборот тизимлари, дастурлар ҳамда масофавий таълим ва оммавий онлайн очик курслари билан ишлаш**

Сcropio, Agrivi, Agrinavia, FarmLogics дастурлари билан танишиш ва унда ишлаш. Қишлоқ хўжалигида ахборот тизимлари ва амалий дастурлардан фойдаланиш ва уларнинг имкониятлари билан танишиш.

Интернет тармоғидаги Оммавий онлайн очик курслар билан танишиш ва фойдаланиш. Acs.edu.co.uk, gooduniversitiesguide.com.au, adlonlinecourses.com, study.com, ufv.ca, are.uwa.edu.au, open2study.com, animalagclimatechange.org, dal.ca, online.colostate.edu масофавий таълим ва Оммавий онлайн очик курсларидан фойдаланиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Кейс стади	2.5	1.0 балл
	Мустақил иш		1.0 балл
	Амалий машғулот		0.5 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Масофавий таълимдан фойдаланишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Масофавий таълимдан фойдаланишнинг кучли томонлари	
<b>W</b>	Масофавий таълимдан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
<b>O</b>	Масофавий таълимдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
<b>T</b>	Масофавий таълимдан фойдаланишга тўсиқлар (ташқи)	

### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш”

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ ТИЗИМЛАРИ  
ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари тўширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзун

**Электрон таълимни бошқариш тизимлари**

Moodle		ILIAS		OLAT	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хулоса:**

**“Кейс-стади” методи**

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яқка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> </ul>

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ  
ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>

**1. Кейс.** Анвар Тошкент давлат аграр университетида қишлоқ хўжалик фанларини ўқитади. Унинг келаси ҳафта очик дарси режалаштирилган. Маъруза машғулотлари байрам кунларига тўғри келиб қолганлиги сабабли у ўтиши керак бўлган мавзу бўйича маъруза машғулотлари ҳали ўтилмаган. Агар у амалий машғулотда мавзунинг назарий асосларини тушунтириб берай деса дарсининг ярмидан кўп қисмини сарфлаб қўяди бундан ташқари ташриф буюрувчи меҳмонлар ушбу ҳодисага ижобий қарашлари амри маҳол. Агарда амалий машғулот тарзида машғулотларни олиб бораё деса талабаларнинг назарий билим ва кўникмаларга эга эмаслиги сабабли аниқ натижадан умид қилиб бўлмайди. Университетда MOODLE тизими жорий қилинган ва талабалар ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Анвар учун ушбу очик дарс университетда қолиши ёки хайрлашишини белгиловчи танлов олди ўтказиладиган очик дарс. Сиз бундай вазиятда нима қилган бўлардингиз.

**Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- тайёрланган презентацияларингизни веб саҳифага жойлаштириш амаллари кетма-кетлигини келтиринг (жуфтликлардаги иш).

**«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** “масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи Moodle дастурий мажмуалар бугунги кунда энг кўп қўлланилмоқда”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


#### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

	<p><b>Тест</b></p> <p>1. Мультимедиа иловаларини яратувчи дастурни кўрсатинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>a. SCORM</li> <li>b. MOODLE</li> <li>c. iSpring</li> <li>d. Windows</li> </ol>		<p><b>Қиёсий таҳлил</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Анъанавий ва масофавий таълимниг қиёсий таҳлил қилинг?</li> </ul>
	<p><b>Тушунча таҳлили</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• SCORM қисқармасини изоҳланг...</li> </ul>		<p><b>Амалий кўникма</b></p> <p>Мультимедиа яратиш учун керакли дастурий воситалардан бирини ишга туширинг?</p>

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	SCORM	LMS	MOODLE
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб,

изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Мультимедиа	multi - кўп, media - муҳит - бу турли хил физик кўринишга эга бўлган(матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) ахборотларнинг ифодаланиши	Бир вақтнинг ўзида турли физик кўринишда ифодалаш
Анимация		
Виртуал лаборатория		
Онлайн (online) ўқиш		
e-Learning		
HTML		
Learning Management System (LMS)		
SCORM		

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Масофавий таълим воситалари бўйича**



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1. Мавзу: Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва воситалари

##### Режа:

- 1.1. Аграр таълимда мультимедиа воситаларининг ўрни
- 1.2. Мультимедиа иловалари ва уларни яратиш дастурлари
- 1.3. Мультимедиа таълим элементлари.
- 1.4. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда ахборот тизимлари ва дастурларидан фойдаланиш

**Таянч иборалар:** *Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плеерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони тахрирлаш. Мультимедиа электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар). 3D технологиялар, виртуал воқеълик тушунчаси. CROME, E-learning, Learning Management System(LMS), fill-in the blank type, human-computer interface (HCI)*

#### 1.1. Таълимда мультимедиа воситаларининг ўрни

Таълим раҳбарлар ва олимлар томонидан доимий равишда ўрганиб келинган асосий масаладир. Аҳолининг ижтимоий фаровонлигига эришиш ва авлоддан-авлодга кўплаб билимларини қолдириш учун таълим жуда зарур ва муҳим саналади. Анъанавий таълимда асосан босма материаллар ва юзма-юз кўрсатмаларга таянган ҳолда ўқитиш ишлари олиб борилган. Рақамли технология, телекоммуникация воситаларининг ҳамда Мультимедиа воситаларининг ривожланиши таълимнинг электрон таълим кўринишини яратибгина қолмай таълимнинг мазмундорлигини янада бойитди. Мультимедиа воситалари анимация ҳамда графика каби акустик ва визуал эффектларни идрок этиш, шунингдек кўриб тасаввур қилиш орқали инсон-компьютер ўртасидаги ўзаро мулоқотни қизиқарли ва мазмунли бўлишини таъминлайди. Сўнгги йилларда, мультимедиа технологиялари тадқиқот ишларини олиб боришда, талабаларни ўқитишда ва билимини баҳолашда жуда кенг қўлланиб келинмоқда. Ривожланган давлатларда мультимедиа тизимлари мавжуд онлайн ёки алоҳида ўқитишда мавхум тушунчаларни ёритиб бериш ва муаммоларни ҳал қилишда ёрдамлашиш билан шуғулланувчиларни узоқ муддатли иш фаолиятини яхшилаш учун мўлжалланган эди. Мультимедиа таълимнинг мақсади ҳар бир жойда ва ҳар қандай вақтда таълим олишни ва билимларни текширишни

қўллаб-қувватлаш орқали ҳар бир киши учун тенг таълим олиш имкониятларини тақдим этишдан иборат.<sup>1</sup>

Мультимедиа тушунчаси кенг маъноли бўлиб, турли соҳа мутахассислари уни қўлланиш мазмунига қараб турлича талқин этишга ҳаракат қиладилар.

Электроника билан шуғулланувчи мутахассислар ушбу атамани ҳар хил форматдаги матн, графика, анимация, товуш, видео кўринишдаги маълумотлар билан ишлаш имкониятини таъминловчи аппарат воситалари сифатида тушунадилар. Бу CD/DVDROM, товуш картаси, видеокарта, ташқи йиғувчилар кабилардан иборат.

Дизайнерлар, аниматорлар, дастурчилар ушбу тушунча орқали биринчи галда фойдаланувчига бир неча йўл билан таъсир кўрсатиш имкониятини берувчи тайёр материални тушунадилар (матн, товуш, анимация).

Мультимедиа тушунчасининг энг умумлашган ҳолати (мультимедиа воситалари) - матн, расмлар, схема, жадвал, диаграмма, фототасвирлар, видео ва аудиофрагментлар ва бошқа ҳар хил маълумотларни рақам кўринишида ишлаб чиқиш, яратишнинг дастурий-аппарат воситалари тушунилади.

**Мультимедиа** (*multi* - кўр, *media* - муҳит) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишига эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) турли хил ташувчиларда (оптик диск, флеш хотира ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.



<sup>1</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 1-бет

**Мультимедиа воситалари** - бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиа технологиясининг асосий ташувчилари.

Сақловчи қурилма, иккинчи даражали сақловчи қурилма деб ҳам аталади, компьютер малумот, информатсия, дастур, ва иловаларни сақлайдиган қурилма. Ахборот сақловчи қурилмаларга қуйидагилар киради: қаттиқ диск, SSD(ички ва ташқи), хотира картаси, USB флаш хотиралар, оптик дисклар, тармоққа бириктирилган сақловчи қурилмалар, магнет тасмали карталар, ақилли карталар, RFIDтеглар ва NFC теглар.<sup>2</sup>

Гарчи хотира ҳажми компьютер ва мобил қурилмадаги процессор тезлигига тўғридан тўғри таъсир қилмасада, хотира имконияти (кейинроқ муҳокама қилинади) барча бажаришларга тўғридан тўғри таъсир қилиши



<sup>2</sup> Misty E Vermaat, Susan L Sebok, Steven M Freund. Discovering Computers (C)2016 (2016 edition). USA, 2016. 368-369 бетлар.

мумкин. Мисол учун, компьютер ва мобил қурилма қўшимча хотира билан янада тезроқ ишлаши мумкин чунки фойдаланилмаётган хотира сиз web саҳифани кўриб чиқаётган пайтингизда файлларни вақтинчалик сақлаган ҳолда ёрдам беради.

**CD-ROM (Compact Disk Read Only Memory)**- лазерли (компакт) диск фақат ўқиш учун лазерли диск), кейинги пайтда бу қурилма жуда муҳим рол ўйнамоқда. Унинг асосий сабаби унга 650 Мбайт (700 Мбайт) ҳажмдаги маълумотни сиғиши бўлса, иккинчи томондан уни ишлатишда қулайлиги билан алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг CD-ROM ва CD-Writer (ёзувчи) кўринишдагилари мавжуд бўлиб, биринчиси фақат ўқиш учун мўлжалланган бўлса, иккинчиси маълумот ва дастурларни ёзиш учун энг қўлланилмоқда. CD-ROM нинг муҳим кўрсаткичларидан бири унинг маълумот айирбошлаш тезлигидир.

DVD - дисклар дастлаб Дигитал Видео Диск деб номланган, кейинчалик DVDлар ҳар қандай маълумотни ҳам сақлаш имкониятини бера олиши маълум бўлди ва улар Digital Versatile Disk деб номлана бошланди. Маълумотлар тарқибига кўра DVDлар қуйидаги турларга бўлинади:

- DVD Видео - фильмларни ёзиш ва кўриш учун;
- DVD Аудио - юқори сифатли аудио маълумотларни сақлаш учун;
- DVD Дата - ҳар қандай маълумотларни сақлаш учун қўлланилади.

DVDлар бир ёки икки тарафлама маълумот ёзиш имкониятини берадиган тайёрланади. Шунингдек, ҳар тарафда бир қатлам бўлиши мумкин.

Тарафлари ва қатламлар сонига қараб DVD-5, DVD-9, DVD-10, DVD-14, DVD-18 номларни олишган.

Бу ерда 5, 9, 10, 14, 18 деган сонлар қанча Гб маълумот сақланиши мумкинлигини кўрсатади. DVDларга маълумотлар секторлар бўйлаб ёзилади, бир 2048 байт маълумот ёзилади. Шунинг учун DVDларнинг ҳақиқатдан қанча маълумот олишини билиш учун секторлар сонини кўпайтириш лозим. Масалан, икки қатламга Р дискида 4 171 712 сектор бор ва у 8 543 666 176 байт (8,5 Гб) маълумот сақлай олади.

Хозирги замонавий DVD ўқувчи ускуналар DVDдаги маълумотларни сониясига 16x (=21,12 мб) ёки 22x (= 29,04 мб) тезликда ўқий олади.

Шахсий компьютерда DVD дискларни очиш учун унга DVD ROM қурилмаси ўрнатилган бўлиши керак.


DVD ROM қурилмаси нафақат DVD, балки CD дискларни ҳам очиш имкониятини яратади.

HD DVD (юқори аниқликдаги рақамли универсал диск) - DVD дискларга нисбатан юқори аниқлик ва ҳажмга эга. HD DVD дисклар DVD дискларга қараганда 5 маротиба кўпроқ ахборотни сақлайди. HD DVD дисклардаги ахборотларбир қатламли дискда 15Гб, икки қатламли дискда 30Гб ни ташкил қилади.

**Blu-ray Disc, BD** (англ. blue ray-ҳаворанг нур ва disc-диск;)- оптик диск ташувчи формати бўлиб, рақамли ахборотларни ҳамда юқори аниқликдаги видео материалларни катта зичликда ёзиш имконини беради.

Blu-ray Disc даги ахборотларни ўқишда қисқа тўлқинли лазер (405 нм) дан фойдаланилади. Ушбу дисклардаги ахборот хажми бир қатламли дискда 25 Гб, икки қатламли дискда 50Гб ни ташкил қилади.

Blu-ray, DVD ва CD дискларнинг қиёсий таҳлили:



**USB** (инглизча Universal Serial Bus — «универсал кетма-кет уланган шина») — ҳисоблаш техникасига уланадиган ўртача ва кичик тезликдаги периферия қурилмаларига ахборотни кетма-кет узатиш интерфейсидир.


USB кабелни тўртта мис симдан иборат бўлиб (вита жуфтлик), улардан иккитаси ахборот узатишга хизмат қилса сим орқали, иккитаси периферия қурилмасини тоқ билан таъминлашга хизмат қилади.

Сим орқали USB қурилмалар ва USB хост орасида интерфейс шаклланади. Хост сифатида дастурий бошқариладиган, бутун интерфейс фаолиятини таъминлаб берувчи USB контроллер амал қилади.

SSDларга қўшимча, иккита флеш хотира картаси ва USB флешка бошқарувини ўз ичига олади. Фойдаланувчилар хотира карталари ва USB флешкаларидан фойдаланишга ишқибозлар чунки улар жуда ҳам ихчам.

Хотира карталари

Хотира карталари мобил фойдаланувчилар учун рақамли фотолар, мусиқалар, видеоеларниёки бошқа файлларни мобил қурилмадан компьютер ва бошқа қурилмаларга ўтказишни осонлаштиради. Хотира картаси олиб ташланадиган флеш хотира қурилмаси ҳисобланади одатда бўйи ва кенглиги 1,5 дюмни ташкил қилиб, компьютер, мобил қурилма ёки карта ўқувчига жойлаштиришингиз мумкин



#### Компьютер ва қурилмаларнинг кўпчилик турлари хотира

Хотира карталарининг оммавий турлари SDHC (юқори қувватли рақамли хавфсизлик), SDHC (кенгайтирилган қувватли рақамли хавфсизлик), миниCD, микроSDHC, CF (компакт Флеш), HDсурат карталар, Pro Duo хотира ҳассаси ва M2 (Микро ҳасса хотираси) кабиларни ўз ичига олади. Хотира карталарнинг қуввати камроқ ҳисобланади. Компютер ёки қурилмадаги тешик карталарнинг кўпчилик турларини ўз ичига олади. Мисол учун CD тешиги SDHC ва SDHC карталарни қабул қилади. Компютерда мини ёки микро карталарни ўқитиш учун компьютер ёки қурилмадаги тешикка флешкани жойлаштиради.<sup>3</sup>



Агар компьютер ёки принтерингизда карта тешиги бўлмаса у ҳолда карта ўқувчи ёки ёзувчини харид қилишингиз керак, у қурилма бўлиб хотира картани ўқийди ва ёзади. Карта ўқувчи ёки ёзувчи одатда компьютерга USB порт орқали уланади. Карталарнинг турлари карта ўқувчи ёки ёзувчининг турларини аниқлаб беради.

Мультимедиа фойдаланувчига фантастик дунёни (виртуал) яратишда жуда ажойиб имкониятларни яратиб беради, бунда

<sup>3</sup> Misty E Vermaat, Susan L Sebok, Steven M Freund. Discovering Computers (C)2016 (2016 edition). USA, 2016. 381 бет.

фойдаланувчи чеккадаги сушт кузатувчи ролини бажармасдан, балки у ерда авж олаётган ҳодисаларда фаол иштироқ этади; шу билан бирга мулоқот фойдаланувчи учун одатланган тилда биринчи навбатда товушли ва видеообразлар тилида бўлиб ўтади.

### **Рақамли камералар**

Рақамли камера олган суратларингизни тўдалаб рақамлаб қўядиган қурилмадир. Смарт рақамли камералар бошқа қурилмалар билан симсиз боғлана олиши мумкин, смартфонларга ўхшаган иловаларни ҳам қўшганда ҳам боғланиши мумкин. Кўплаб мобил компьютерлар ва планшетлар энг камида битта рақамли камера билан жиҳозланган бўлади.



*Рақамли камерада фотография расмларини суратга олишингиз ва уни экранда кўриш имкониятига эга бўласиз.*

Рақамли камера сизга расмларни камерада пайтда кўздан кечиришга баъзан ўзгартиришга имкон беради. Шунингдек суратларни смартфондан бошқа компьютер, планшет ва бошқа қурилмаларга ўтказишингиз мумкин. Шундай қилиб сиз суратни ўзгартириш, кўздан кечириш ва печатга чиқариш имконига эгасиз. Рақамли камералар одатда компьютерлар билан симсиз алоқа қила олиши мумкин. Шунингдек Смарт ТВ интернет, принтер, кабелдан фойдаланмаган ҳолда суратларни захиралаб қўйиши мумкин. Бир қанчаси видеоларни ҳам қайд эта олади. Кўпгина рақамли камералар GPS да қурилган бўлиб суратнинг жойи ва вақтини қачон олинганлигини аниқ айтиб бера олади.

### **Ихчам ва рақамли MediaPlayerлар**

MediaPlayer бу ихчам қурилма бўлиб унда сиз мусиқа тинглаш, бошқариш, сақлаш ёки кўздан кечиришингиз мумкин бўлган қурилмадир. Рақамли камералар расм, мусиқа ва видеоларни ўз ичига олади. Шундай қилиб рақамли камера сизга расм томоша қилиш, мусиқа тинглаш ва видео томоша қилиш имконини беради. Кўпгина ҳолатларда сиз рақамли медиани Компьютердан вебга ўтказишингиз мумкин, агар у интернетга боғланган бўлса албатта. Бир қанча медиаплеерлар сизга мусиқа тинглаш жараёнида бошқа қурилмага ҳам уни ўтказиш имконини беради.

MediaPlayer лар одатда қулоқчиларни талаб қилади. Улар кичик бўлиб қулоқнинг ичига киргизиб олинади. Кўпгина ихчам MediaPlayerларнинг сенсорли экрани бор. Бошқаларида юмшоқ мосламаси бўлиб бармоқларингиз билан бошқариш имконини беради. Шу тарзда сиз ўз Media

Playегингизда овоз, рақамли медиа ва созламаларни амалга оширишингиз мумкин. Бир қанча ихчам Media Playеглар календар, адрес китоб, ўйинлар, ва бошқа иловаларни ҳам таклиф этади.

Ихчам MediaPlayеглар рақамли MediaPlayегларнинг бир тури ҳисобланади. Рақамли ва медиа плайерлар оқими қурилма бўлиб, одатда уйда компьютер, телевизор, проектор ва бошқа қурилмалар билан фойдаланилади.



1-8-расм. Портатив медиаплайерлар ва iPad қурилмалари

### Электрон китоб ўқувчи

Электрон китоб ўқувчи ёки э-китоб ўқувчи мобил қурилма бўлиб электрон китобларни ўқишга мўлжалланган. Электрон китоб ўқувчи ёки рақамли китоб бу нашр қилинган китобнинг электрон нусхаси бўлиб компьютер ва бошқа қурилмаларда ўқиса бўлади. Китобга қўчимчасига сиз бошқа медиалар: газета ва журналларни ҳам харид қилишингиз мумкин.



1-9-расм. Электрон китоб ўқувчи

Кўпгина электрон китоб ўқувчининг сенсорли экранлари бор ва бир қанчасида интернет имконияти ҳам бор. Бу қурилмалар одатда планшетлардан кичик ва смартфонлардан каттароқ. **Кийиладиган қурилмалар**

Кийиладиган қурилмалар ёки кичик кийиладиган кийиб олиш учун мўлжалланган мобил компьютер қурилма ҳисобланади. Бу қурилмалар одатда мобил ёки компьютер қурилмалари билан алоқа қилади.

Кийиладиган қурилмалар кичик излар, тез томоша қилишлар ва тезкор кўзойнақларни ўз ичига олади. Фаол тракерлар юрак тезлигини назорат қилади. Пулс хусусияти, қадамни санаш ва ухлаш тизимларини ҳисобга олади. Вақтни сақлашга қўшимча равишда, смартватч смартфонлар билан алоқа қилиши мумкин, қўнғироқлар қилиш, хабар ёзиш ва юбориш, веб омборлаш, мусиқа эшитиш, иловалар билан ишлаш, масалан фитнес излари ва ГПСлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Смарткўзойнақлар билан фойдаланувчи кўзойнақ тури билан расмларни, видеоларни катта экранда томоша қилишга мўлжалланган қурилма.



1-10-расм. Фаол кузатувчи, смарт кўрувчи ва смарткўзлар

### Ўйин қурилмалади

Ўйинлар мобил компьютер қурилмаси яққалик ёки мулти плаер видоларни ўйнаш имконини беради. Ўйинлар тез-тез юмшатувчи телевизордаги ўйинлар билан алоқа бўлиб туради. Шундай қилиб улар телевизордаги ўйин ўйнашни томоша қилишлари мумкин. Кўпгина ўйинлар интернет билан боғлиқ бўлиб сизга расм ва видео томоша қилиш, мусиқа тинглаш имконини беради.

Унинг оғирлиги 3-11 фунт келади. Ўйинларнинг ўлчами уйда, машинада, меҳмонхонада, ёки бирор электрон қурилма мавжуд жойларда ундан фойдаланиш имконини беради.

Қўлда олиб юришга мослашган ўйинлар, қўлда олиб юриш учун етарли даражада кичикдир. Уни юмшатувчи ўйиндан анча кичик қилиб ишлаб чиқишган. Уларнинг камайган ўлчами сабабли, экранлар кичик, баъзи смартфон экранларидек кичик, бир қанча қўлда олиб юриладиган ўйин қурилмалади моделида интернет мавжуд бўлиб шунингдек бошқа қурилмалар билан симсиз боғланиши мумкин.<sup>4</sup>



Ўйин консоллари баъзан телевизорларга ҳам боғланади

<sup>4</sup> Misty E Vermaat, Susan L Sebok, Steven M Freund. Discovering Computers (C)2016 (2016 edition). USA, 2016. 8-10 бетлар.

Интерактив Мультимедиа воситалари фойдаланувчи эҳтиёжини қондириш ва эътиборни кучайтириш орқали ўрганиш фаолиятини такомиллаштириш имконига эга. Мультимедиа воситалари шунингдек, анъанавий тестлардан фарқли равишда бир нечта жавобли форматдаги синовлардан фойдаланиш имконини беради. Биз таклиф қилаётган инновацион CROME (Computer Reinforced Online Multimedia Education) Таълимнинг асосий компонентлари ўрганиш, ўргатиш ва боҳолаш шунингдек адаптив баҳолашни, талабаларни модул тизимига ўтказишни тизимга солади. Ушбу курсда самарали ва мураккаб Мультимедиа архитектура ишлаб чиқиш ва ривожлантириш асослари келтирилган.

Таълимда Мультимедиа воситаларидан фойдаланиш афзалликлари қуйидагилар:

- танланган фанлар учун гуруҳ фойдаловчиларининг баҳоларига асосланган ҳолда автоматик қийинчилик даражасини тақослаш мумкин.
- талаба билимини текширишнинг янги форматдаги тест стандарти (Moodle's multiple choice, GMAT)дан фойдаланиб анъанавий тестга нисбатан аниқ баҳолаш.
- анъанавий ҳар хил саволлар яратишдан фарқ қилган ҳолда, компьютер ёрдамида автоматик равишда турфа хил кўринишдаги савволлар яратиш мумкин
- Custom-designed модуллари тасаввур қилиш қийин бўлган айрим тушунчаларни аниқ ва ёрқин кўрсатиб бера олади.
- бошқа E-learning системаларидан фарқли ўлароқ, фандаги ўрганилган билимларни баҳолашдаги қобилияти мавжуд

Бу курснинг мақсади таълимда Мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг кенг имкониятларини ўргатиш. Бу тизимнинг яна бир қулайлиги Ўқитувчилар, талаба маслаҳатчилар, таълим тизими бошқарувчилари, таълим дизайнерлари ва тадқиқотчилар ўз қизиқишларига кўра мавзуларни танлашлари мумкин.

Янада яхши ташкил этилган масофавий таълимнинг яна бир шакли E-learning ва Learning Management System (LMS) таълим тизими орқали талабалар университетдан ташқарида шуулланган ҳолда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлгандан сўнг паст-ўрта диплом ва даражаларини олишлари мумкин. Сўнгги йилларда Кўпгина университетлар тўлиқ иш кунида ишлайдиганлар учун "Ишлаш ва ўрганиш" имкониятларини берувчи шунга ўхшаш курсларни таклиф қилиб келмоқда<sup>5</sup>.

LMS ни батафсил кўриб чиқамиз. Онлайн материаллар билан бир қаторда, Мультимедиа мазмунини ўз ичига олган DVDларга ҳам компьютер дўконлари ва интернет-дўконларида талаб кўпайиб бормоқда. Мультимедиа

---

<sup>5</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 2-бет

таълимда мавҳум тушунчаларни динамик ва интерактив тақдим этиш анъанавий босма материалларга қараганда кўпроқ самарали ва ижодий фикрлаш қобилиятини оширади. Тадқиқотлар кўп талабалар видео ва онлайн ўйинлар ўйнашга кўпроқ қизиқганликларини кўрсатгандан сўнг, талабаларни ўрганишга жалб қилиш учун ўрганилаётган предмет мазмунини ўз ичига олган акустик ва визуал эффектлар билан бойитилган ўйинлар ёрдамида ўқитиш самарали ҳисобланади. Бугунги кунда жамиятда юқори тезликдаги компьютерлар, кенг полосали тармоқлар ва мобил қурилмалар кенг тарқалмоқда, мобил қурилмалар ёрдамида кенг кўламда таълим олиш мумкин, лекин талабалар бошқа мақсадларда улардан фойдаланишмоқда.<sup>6</sup>

Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики анъанавий ўрганиш қуролларини яна ҳам табиий ўрганиш қуролларига алмаштириш, яъни сичқонча ва жостик ўрнига кўл ҳаракатлари орқали бошқариладиган сенсорли экранлар билан. Янги технологиялар бизга таълимда фақат тест ва бланкаларни тўлдириш орқари (fill-in the blank type) баҳолашдан ташқари бир қанча имкониятларни тақдим этади. Мультимедиа воситалари орқали Инсон-компютер мулоқоти (human-computer interface HCI) методлари ёрдамида муаммоларни экран олдида бир неча иштирокчилар бирга муҳокама қилишини, ижтимоий ва ҳамкорлик муҳитда ишлашини осонлаштиради. Сенсорли экран аллақачон iPhoneда ишлатилган ва бошқа сенсорга асосланган технологиялар Microsoft ва Perceptive Pixel каби этакчи ташкилотлари томонидан ўрганилмоқда. HCI ва 3DTV ривожланиши натижасида Инноватсион Мультимедиага талаб пайдо бўлди. Мультимедиа методологияси ўз ичига оладиган моделлаштиришга асосланган ўрганиш ва виртуал муҳитдаги тренинг ривожланиши натижасида таълимнинг янги йўналиши очди.



### **Онлайн Мультимедиа таълим тизимининг шакли.**

Мультимедиа таълим шакли гарчи турли муҳитларда масалан, вебга-асосланган ва моделлаштиришга асосида фойдаланишдан ташқари, унинг асосий мақсади умумий дизайн, аниқлик, самарали ва қулай таълим бериш ва баҳолаш учун мўлжалланган ҳисобланади.

Тизимнинг Қўшимча афзаллиги мобиллиги, енгиллиги, кўп маротаба фойдаланиладиган қайта ишлаш ва бир-бирига мослигидир.

Самарали Мультимедиа таълим тизими шакли қуйидаги имкониятларга эга бўлиши керак.

<sup>6</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 2-3 бетлар

Биринчидан, таълимнинг рағбатлантириш хусусияти:

Иккинчидан, персоналлаштириш ва талаба моделини индивидуал таълим фаолиятини узоқ муддатда яхшилаш учун қўллаб-қувватлаш.

Учинчидан, индивидуал талабанинг кўникмаларини баҳолаш ва шунга кўра йўл-йўриқ кўрсатиш.

Бироқ, бу мақсадларга эришиш учун кўп масалалар ҳал қилиниши керак, яъни анъанавий кўринишдан бошқа кўринишга, масалан, саволларни оддий кўринишдан Мультимедиали кўринишга ўтиш, Мультимедиа форматларидаги саволнинг қийинчалик даражасини аниқлашда фойдаланиладиган усулларни; Индивидуал талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолашда қўлланиладиган усуллар ва талабалар баҳосини ва ўзлаштиришини яхшилаш методларига тегишли усулларни.

Онлайн CROME платформаси бошқарув маркази масофада турган мижоз ва сервер ўртасидаги самарали мулоқотни тақдим этади, саволлар кетма-кетлигини яратишда ва баҳоларнинг сайт серверида сақланишини таъминлайди. Аини дамдаги талабанинг билим даражасига асосланган ҳолда талаба учун кейинги саволлар кетма кетлигини танлаш имкониятига эга.

**Ўқитиш ва баҳолаш учун мўлжалланган Инновацион элемент турлари.**

Framework архитектурасини инновацион элемент турлари Мультимедиа воситалари ва тақдим этишнинг турли кўринишлари ёрдамида фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги интерактивитликни яратиб беради.

Framework платформасида самарали элемент турларини яратишда чекловлар мавжуд. OpenGL ва DirectX 3D иловаларни мустақил ишлаб чиқиш учун кучли восита. Бироқ, сервер-мижоз ўртасидаги кутилмаган мулоқотларга мўлжалланмаган, масалан компьютер адаптив тести, яъни олдинлан юклаш ва юклаб олиш мумкин бўлмаган ҳолларда. Веб иловаларда ранг-баранг ва жозибадор Flash ўқув объектларидан фойдаланиш орқали географик бўлинишларни камайтириш мумкин. Бироқ Flash объектларни ишлаб чиқариш маълум вақт талаб қилади ва улардан қайта фойдаланиш, яъни уларни ўзгартириш мумкин эмас. 3D Тақдимот ва манипулятсияси жиҳатидан олиб қараганда Flash объектларга нисбатан Java3D объектлар кўпроқ самарали ҳисобланади, гарчи Java апплетлар юкланиши фойдаланувчидан узоқроқ кутишни талаб қилса ҳам. Java Script объектларидан ўқув материаллари яратишда фойдаланиш мумкин, лекин унинг 3D қобилияти чекланган. Бундан ташқари, Java Script объектлари очиқ кодли ҳисобланади шунинг учун бу тижорат мақсадларида фойдаланиш ва патентлаш лозим бўлган материалларни яратиш учун яхши танлов эмас.

CROME платформаси фойдаланувчи талаби ва 011 дизайн хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли хил элементларни турли платформаларда ифодалаб беради. Кўпинча маълумотлар базаси объектлари ва элементлари билан боғлиқ билин ишлашда маълумотлар

базасини бошқариш тизимларидадан SQL ва веб-тиллардан PHP ишлатилади.

Таълим элементи муайян педагогик психология ва мезонларни ўзида мужассам этган ҳисобланади. Ҷўқитишда ёки баҳолашда фойдаланиш мумкин бўлган ҳар бир Таълим элемент тизимга кириш ҳолатига қараб таъдим этилади; амалиёти ёки тестга мос равишда: амалий машқларни бажаришда талабага маъруза материалари, маслаҳатлар ва тўғри жавоблар терилади.<sup>7</sup>

Мультимедиа иловалари ва уларни яратиш дастурлари

Сифатли мультимедиа иловалари ишлаб чиқишга йўналтирилган турли-туман, бир- биридан фарқли технологик усуллар мавжуд. Ушбу иловаларни яратиш ва улардан фойдаланишда бир қатор асосий технологик тавсияларга амал қилиш керак.

Мультимедиа иловаларини яратиш учун асос сифатида материални элементларга бўлиш ва иерархия тарзида кўргазмали равишда тақдим этишга асосланган ҳолда тизимлаштириш усулини ўзида мужассам этган материални қамраб олиш моделини олиш мумкин.

Мультимедиа иловасини лойиҳалашнинг бошланғич босқичида материални қамраб олиш модели қуйидагиларга имкон беради:

- материал мазмунини аниқ белгилаш;
- мазмунни кўргазмали, аниқ ва очик тарзда тақдим этиш;
- мультимедиа илова компоненти таркибини аниқлаш.

Мультимедиа иловалари қуйидагиларга бўлинади:

- презентациялар;
- анимацион роликлар;
- ўйинлар;
- видеоиловалар;
- мультимедиа галереялар;
- аудиоиловалар;
- веб учун иловалар.

#### **Мультимедиа маҳсулоти.**

• Биринчидан – фойдаланувчига албатта интерфаолликни тақдим этадиган, яъни инсон ва компьютер ўртасида командалар ва жавоблар алмашинувини таъминлаб, диалог муҳитини яратадиган дастурий маҳсулот.

• Иккинчидан, турли видео ва аудио эффектлар ишлатиладиган муҳит. У томошабинга ўзича у ёки бу сценарийни танлаш имконини берувчи видеофильмни жуда эслатади.

*Мультимедиа маҳсулоти- таркибида мусиқа тараладиган, видеоклиплар, анимация, расмлар ва слайдлар галереяси, турли маълумотлар базалари ва*

---

<sup>7</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 3-4 бет

бошқалар кириши мумкин бўлган интерфаол, компьютерда ишланган маҳсулотдир.

Мультимедиа маҳсулотларини куйидагиларга бўлиш мумкин: энциклопедиялар; ўргатувчи дастурлар; онгни ривожлантирувчи дастурлар; электрон китоблар; болалар учун дастурлар; ўйинлар ва бошқалар.

Сўнги йилларда мультимедиа маҳсулотлари кенг ҳаридорлар олиши мумкин бўлган даражага келди. Уларнинг ишлатилиши ҳар доим ҳам бир хил эмас. Турли мультимедиа жиҳозларини сотиб олишда куйидаги кўрсаткичларга аҳамият бериш керак:

- берилаётган материалнинг сифати ва ишончилиги;
- берилаётган график материалнинг сифати;
- товуш жўрлиги (матн, мусиқий безак ва бошқалар);
- видеоматериал мавжудлиги ва уларнинг сифати;
- интерфаоллик имкониятлари (турли йўналишларда кўриш, материални чуқур ўрганиш, чоп этиш имконияти ва бошқалар);
- биргаликдаги жамланган интерфейс.

Мультимедиа иловааларини яратиш учун бугунги кунда бир нечта дастурий воситалар мавжуд. Энг кўп қўлланиб келинаётган дастурлар PowerPoint, Prezi, ISpring, Yenka, Blender, КОМПАС-3D, 3DS-MAX, Adobe Flash, Camtasia Studio дастурларидир. Ушбу дастурларнинг айримлари билан амалий машғулотларда яқиндан танишиб чиқамиз.

**Blender** Тизимининг асосий имкониятлари бу 3D моделлаштириш, анимация, видеомонтаж ва ўйинлар яратиш. Унинг асосий афзалликлари тизимнинг кичик ҳажми (10Мб), тез ишлаши, ва кўплаб операцион тизимларига адаптация қилинганлиги (MS Windows, Mac OS X, GNU, Linux, FreeBSD ва ҳ.к), Python дастурлаш тили ёрдамида кенгайтмалар, интерактив ўйинлар яратилиши.

3 ўлчамли графикада ишлаш реклама, филмлар ва маҳсулотларнинг уч ўлчовли моделларини яратиш, анимацион эффектлардан фойдаланиш имкониятини беради.



**Blender дастурининг интерфейси.**

**Компас тизими ҳақида умумий маълумотлар.**

Бугунги кунда жуда кўплаб компьютер график дастурлари мавжуд бўлиб, уларни қайси соҳада қолланилиши билан бир биридан фаркланади. Ҳар бир соҳа мутахассислари ўз фаолиятлари учун қулай бўлган график дастурни танлайдилар. Дастурларнинг имконият чегаралари ҳам маълум бир соҳага йўналтирилган бўлади. Демак, график дастурни танлашда аввалом бор унинг имкониятларини инобатга олиш лозим. Аксарият ҳолларда график дастурни қўллашдан олдин бошқа бир дастурларни ёки фанларни ўзлаштиришга эҳтиёж сезилади. Шуниси билан ҳам график дастурлар мураккаблашиб боради.

Компас - Россия Федерациясининг ASKON компаниясининг автоматик лойиҳалаш пакети бўлиб, компьютерли моделлаштириш ва лойиҳалаш ишларини сифатли бажаришда, фойдаланувчига техникавий чизмаларни тез ва малакали, юқори даражали аниқликда ишлаб чиқишда, ҳамда бир вақтда қоғозга чиқариш имкониятини берадиган тизимдир.

Компас дастури Россия Федерациясининг ASKON ижодий маркази томонидан ишлаб чиқарадиган дастур бўлиб, "MS WINDOWS" операцион тизимида ишлайди. Компас дастури конструкторлик ҳужжатларини, детал андозаларини кўп қўлланиладиган деталларнинг ишчи чизмаларини йиғиш чизмаларини ва бошқаларнинг комплекс кутубхоналарини ўзида мужассамлаштирилган компас дастурида конструкторлар учун бир қанча қулайликлар яратилган.


Масалан, юза ғадир-будирликлари, ўлчам аниқликлари ва четланишлари, юзаларининг ўзаро жойлашуви ўлчам допусклари ва бошқалар иловада автоматик қўлланиш мумкин.

Компас дастури деталларни ўзаро бириктириш, йиғиш кетма-кетлиги, уларни ажратиш каби кўп меҳнат талаб қилинадиган ишни автоматик равишда амалга оширади. Йиғиш чизмаларида ўрнатмаларни қўшиш тезкор ва аниқ равишда амалга оширилади. "Компас" дастури конструкторлик ҳужжатларнинг ягоналиги тизими (ESKD) талабаларига асосан ишлаганлиги учун унда лойиҳаланган ишчи ва йиғиш чизмалари давлат андозасига тўлиқ мос келади. "Компас" дастурида нафақат деталларни лойиҳалаш, балки уларга механик ишлов бериш технологик жараёнини ҳам тузиш мумкин.

Замонавий Компас дастури тизими интерфейси компьютернинг энг замонавий воситалари ва технологияларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратилганлиги боис чизма ва схемаларни, лойиҳалаш масалаларини юқори сифатда бажарилишини кафолатлайди. Компас дастурининг яратилганлигига 25 йилдан ошган бўлсада, автоматик лойиҳалаш дастурлари орасида ханузгача етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Чунки Компас дастури мукамал ва оммабоп дастур бўлиб, у ҳар қандай турдаги машинасозликка оид бўлган схема ва чизмаларни яратишни юқори аниқликда ва сифатли бажаради. Шунингдек, мазкур дастурдан фойдаланувчиларнинг ижодий имкониятларини тўла амалга оширишга ёрдам беради. Шу сабабли, миллионлаб мутахассислар, олимлар, муҳандис – техниклар ва талабалар лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш соҳаларида Компас тизимидан фойдаланишлари оммалашиб бормоқда.

Компас\_3D\_V12 дастури ўрнатиладиган компьютер маълум бир минимал талабларга жавоб бериши, параметрларга эга бўлиши лозим. Ушбу талабларга қуйидагилар қиради:

1. Оператсион система.
  - WINDOWS XP Professional (sp1 ёки 2)
  - WINDOWS XP Home (sp1 ёки 2)
  - WINDOWS XP Tablet PC
  - WINDOWS 2000 (sp4)
2. Web– браузер
  - Microsoft Internet Explorer 6.0 (sp1 ёки янада янги пакет)
3. *Процессор*
  - Pentium IV ёки ундан юқори 1.5 ГГц
4. ОЗУ (оператив хотира)
  - 512 МБ (тавсия этилади)
5. Видео
  - 1024x768 VGA, ранглар палитраси True Color (минимум)
6. Қаттиқ диск (винчестер)
  - 1 ГБ ўринга эга бўлиши
7. Кўрсатиш қурилмаси
  - Сичқонча «Тресбол» ёки бошқалар
8. CD – ROM
  - Дастурни ўрнатиш учун, қайси модел бўлишидан қатъий назар зарур



Компас\_3D дастурида яратилган уч ўлчовли модел.


### **1.3. Мультимедиа таълим элементлари.**

#### **3D Элементлар.**

Авваллари "Мультимедиа" асосан рақамли тасвирлар ва видеоларга асосланган эди. Кейинчалик 3D объектлари ва экран муҳим омилига айланди. Масалан кимёда 3D дастуридан фойдаланган ҳолда уч даражага

ажратса бўлади: макроскопик даража, рамзий даража, ва атом даражасига. Макроскопик даражада кимёвий ҳодиса одатда лаборатория шароитида кузатилади ва талабага режалаштирилган лаборатория ишини бажаришида матн кўринишидаги йўриқномадан ташқари ўрганиш учун видеолар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Қолган иккидаражада кимёвий жараён формуласини ёзилиши, ёки молекулани 011 тасвирини келтирилиши талабани янада фаоллаштириши ва қизиқарли тарзда ўрганишига олиб келиши мумкин.



3D контекс Кимёвий реакция вақтида молекуляр тузилмалар ва тузилмалари ўзгаришларни, молейкулалардаги элементларнинг бир-биридан қандай ажралишини тушунишда энг яхши воситадир.

1.1-расмда Икки кимёвий унсурнинг экрандаги кўриниши келтирилган.

Талабалар сичқонча ёрдамида Даврий жадвалдагиэлеменлардан бирини танлаши ва унинг кўринишини экранда кўриши мумкин. Атом ва молейкулаларнинг 3D кўринишида Улар атомлар орасидаги боланишларни ўзлари яратишлари, ҳаракатга келтириши (турли кўринишларга ўтказиши, буриши ва масштабини ўзгартириши) мумкин. 1.1-Формуладаги Атом ва молекулаларнинг рамзлари 3D объектлар билан алмаштирилади.<sup>8</sup>

Шунингдек Биология маълумотлар яратиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. 3D объектлар авваллари кўнгилочар саноатда ва илмий тадқиқотларда ишлатилган, лекин таълим иловаларида улардан чекли миқдорда фойдаланилмоқда.


Биз ишонамиз яқин кунларда теле-жарроҳлик ва виртуал борлик воситалари ёрдамида талабалар ҳақиқий ҳайвон ўрнига виртуал қурбақадан фойдаланиш ва инсон танаси органларини яхши тушунишда, виртуал маконида турли ишларни машқ қилиб кўриш имконини берувчи воситалари яратилади.

---

<sup>8</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing.5-6 бет

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ҶЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ ТИЗИМЛАРИ  
ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

36:30 UofA V 1.0 Create an epinephrine molecule. Reset Help Show Submit




$C_9H_{13}NO_3$

---


01:11 UofA V 1.0 Show the chemical reaction between Sodium Hydroxide and Hydrochloric Acid. Reset Help Show Submit



$NaOH + HCl \rightarrow NaCl + H_2O$



1.1. расм. (юқори) Кимёда атом ва молекуляр тузилишини кўрсатиб бериш учун фойдаланиладиган элементни 3D ҳолатида кориш мумкин; (паст) малум бир элемент молекуляр структура озгаришини кимёвий реакцияларда акс этишини талаб қилади.



1.2 расмда элементларни сичқонча ёрдамида судраб (юқори, чап) талаба харитада тўғри жойга тўғри тавсифини; (Юқори ўнг) тўғри тарифни жойлаштиради (пастки ўнг) озиқ-овқат маҳсулотларини тўрт тоифага ажратади (пастки, чап) органларни жойлашган жойларига жойлаштиради.<sup>9</sup>

### Элементларни мос жойга олиб бориб жойлаштириш (2D ва 3D)

Кенг қўлланиладиган дизайн Талабаларга экранидаги матн ёки графикларни 011 графикасига асосан олиб бориб мос жойга жойлаштириш бўлиб ҳисобланади. Масалан 1.2- расмнинг юқори-чап томонида келтирилган мисолда талабалардан картадаги географик жой номини тўғри жойлаштириш. Бундай элементлардан бошқа фанларни ўқитишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

### Мантиқий-математик элементлар.

Интерактив муҳит талабани сонларни таҳлил қилишлари билан янада қизиқроқ ва рабарланарли ҳисобланади. 1.3 расмда келтирилган математик элементда талаба саватларга бир нечта объектларни шундай бўлиши керакки, ҳар бир саватдаги сонлар йииндиси бир хил бўлсин. Яна бир Математик элемент (1.3-расм, пастки) элементлар кетма-кетлигини шундай жойлаштириш керакки қисмларга ажратиб турган чизиклар бир тўғри чизикда ётсин.

<sup>9</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 8 бет




1.3-расм (юқори) келтирилган математик элементда талаба саватларга бир нечта объектларни шундай бўлиши керакки, ҳар бир саватдаги сонлар йииндиси бир хил бўлсин (паст): элементлар кетма-кетлигини шундай жойлаштириш керакки қисмларга ажратиб турган чизиқлар бир тўғри чизиқда ётсин.

### **Тил маҳсулотлари**

Акустик ва визуал эффектлар бирлаштирилиш орқали талабаларга семантик ёзилишлар ва талаффуз қилишда ёрдам бера олади. Мисол учун, малум бир элементни тасавур қилайлик турли хил кўринишдаги ёллардан фойдаланиш билан ўрганмоқни. 1.4-расмда битта мисол корсатилган. Агар талаба экрандаги ҳафли-рақамли виртуал клавиатурадан ёки компьютер клавиатурасидан фойдаланишингиз мумкин. Талаба бу жараёнда уч хусусият билан боғлиқ: имло, талаффуз ва объектни танлаш (керагли тугмани босиб).<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 8 бет



1-4-расм. Талабадан талаб қилинади элементни созни ёзиш орқали ифодалаш ва шунга мос болган расмни келтириб жавоб қуттисига жойлаштириш.


#### Таълим ўйинлари

Онлайн ўйинлар нафақат Ёшлар орасида балки катталар ўртасида ҳам, оммабоплашди. Бизнинг мақсадимиз анъанавий таълим элементларини ўйинлар билан алмаштириб, яъни таълим мазмунини ўзида акс эттирган ўйинлар орқали, талабаларни ўйинлар ўйнаш давомида билим олишига замин яратиш бўлиб ҳисобланади. Ўйин таълим элементлари Мустақил фойдаланиш ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб фойдаланишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Якуний натижани ўйин охирида ёки вақт тугаганда билса бўлади. Шунингдек бу ўйинлар талабаларни юқори бал тўплаш учун беллашувига ҳам олиб келади.

1.5-юқори-чаптадаги расмда Балон тортишиш ўйин келтирилган. Бу ўйинлар ойнаш орқали талабаларнинг математкадаги арифметик мисоларни ечиш коникмаларини ошириш мумкин яни, каррали сонлар кўпайтирув ва бўлишга доир аммалларни бажаради.<sup>11</sup> Талабалар шарларни отиш орқали бал йииб боради ва шарларнинг тезлиги ошиб боради .

1.5 расмнинг юқори-ўнг томонидаги ўйинда математик билим ва кўникмаларни текширишнинг янги воситаси. Бу ерда талабага маълум миқдарда мабла ажратилади вау маълум воситаларни танлаб олиши керак. Ва танланган воситалар учун унинг маблаидан кўрсатилган мабла ечиб олинади. Кроссвордлар сўз бойлиги ва мантиқий фикрлашларини текшириш учун ишлатилади. Мисол учун талабага элементларни тасвирлари кўрсатилади. Шундан сўнг талаба келтирилган расмларни сўзлар билан болайди.

<sup>11</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 9 бет




1.5-расм. (юқори-чап) ҳаво шарларини отиш ўйини, талабаларнинг математик билимларини мустаҳкамлаш учун; (юқори-ўнг): ўйин маълумбюджетга эга бўлиб талабаларнинг математик билимларни текшириш учун; (пастки қисм) Кроссворд сўзларни билиши ва тушунишини текширади ва энг юқори баллар экранда пайдо бўлади ва паст бал олганлар қайтадан текширилади.<sup>12</sup>

Тармоқ технологиялари турли бўлган маҳитларда турли хилдаги дастурлардан фойдаланишга тўғри келади, чуқур таҳлил қилиш ва моделлаштириш. CROME Мультимедиа таълим учун мўлжалланган ва чекланган ресурслардан оптимал фойдаланиб турфа хил муҳитлардаги фойдаланувчилар талабини қондириш учун веб иловалар яратиш мажмуаларидан фойдаланади. Веб иловалар яратиш мажмуалари Java

<sup>12</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 10 бет

2-D/3-D апплетларни, JavaScript, Flash, J2ME. PHP ва MySQL ни ўз ичига. SQL –маълумотлар базасида қидириш тизимларида энг кўп қўлланиладиган самарали сўровлар тилидир.



CROME платформасида маълумотларнинг алмашинуви.<sup>13</sup>

Мультимедиа маҳсулоти яратиш учун қуйидагиларни жалб қилиш мумкин:

1. Бутун малакали дастурчилар гуруҳи билан ишлашни талаб қилувчи дастурлаш тили.

2. Инструментал воситалар, яъни Macromedia Director, Formula Graphics Multimedia System, Multimedia Creator, Asymetrix ToolBoos, AusrWare Professional ва бошқа шу каби махсус дастурий маҳсулотлар. Бу шаклда яратилган лойиҳалар анча арзон, шу боис унчалик универсал эмас, қўлланилган инструментлар имкониятлари чекланган бўлса-да, малакали фойдаланувчилар бундай инструментал воситалар ёрдамида ишлай оладилар.

Таълим бериш мақсадида мультимедиа маҳсулотини Microsoft Office дастурлари асосида ишлаб чиқиш мумкин, материални тайёрлаш учун эса PhotoShop (расмларни қайта ишлаш), Adobe Premier ёки Vstudio2 (видеоклипларни қайта ишлаш), Stoik Software (тасвирларни қайта ишлаш ва морфинг яратиш), товуш ёзиш ва уни қайта ишлаш каби қўшимча дастурлардан фойдаланилади.

Мультимедиа дастурий маҳсулот кўпинча ишлатиш мумкин бўлган маълумотлар базаларидан таркиб топади, масалан, MS Access ёки MS Word ёрдамида. Расмлар ёки клиплар намоиши MS Power Point дастури ёрдамида амалга оширилади.

<sup>13</sup> Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing. 11 бет

Интерфаоллик режимини яратиш учун тўлиқроқ изоҳга мурожаат қилишга ёрдам берадиган гипермуурожаатлардан фойдаланилади.

Мультимедиа маҳсулотлари яратишга мўлжалланган дастурлар:

- Macromedia Director - тақдимот ва мультимедиа маҳсулотлари яратишга хизмат қилади. Ушбу дастур ММХ-технологиялар билан ишлайди ва тугмалар, слайдлар, клип ва анимациялар билан ишлашга имкон беради;

- Formula Graphics Multimedia System - интерфаол режимда ишловчи мультимедиа дастурларини тайёрлашни таъминлайди.

#### 1.4. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда ахборот тизимлари ва дастурларидан фойдаланиш.


Ахборот ва коммуникация воситалари ҳамда мобил алоқа воситаларининг ривожланиши натижасида ҳар бир соҳада жуда катта ўзгаришлар рўй берди, шу жумладан аграр соҳада ҳам.

Дунё бўйлаб жуда кўп ахборот тизимлари, компьютер ва мобил дастурлар бугунги кунда аграр соҳада ишлатилиб келинмоқда. Бу дастурлардан айримлари ҳақидаги маълумотларни ва уларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни <http://www.capterra.com/farm-management-software/> сайтлардан олишимиз мумкин.




Масалан Cropio дастури сунъий йўлдош орқали далани бошқариш тизими бўлиб, унинг ёрдамида қишлоқ хўжалиги фойдаланувчиларини қишлоқ хўжалик ишларини мониторингини ва самарали режалаштиришни осонлаштиради. Cropio жорий майдоннинг реал вақтдаги ҳолатини, яқинлашиб келаётган кунлардаги об-ҳаво маълумотларини, ўсимликнинг ривожланиши ва муаммоли майданларни аниқлаш ва бозордаги талаб ва таклифнинг ҳолатини кузатиб бориш имконини беради. Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/133659/Cropio/N%20S%20T%20New%20Science%20Technologies> саҳифасида келтирилган.

Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирамыз



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



майдонларни механизациялаш имкононо беради. Ўрнатилган билимлар базаси фермерга қишлоқ хўжалик жараёнлари, энг яхши амалиёт ва агар касаллик белгилари пайдо бўлса онгли равишда фермерга хабар беради.

Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирамиз. Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот

<http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/136084/Agrivi/Agrivi> веб саҳифасида келтирилган.



## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ҶЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

The screenshot shows a software interface for field management. At the top, there are buttons for 'Add field' and 'Field Utilization', and a 'Location' dropdown menu set to 'All'. Below this, a grid of field data cards is displayed. Each card includes a satellite map of a field, a field ID (e.g., Field 315/1), location (San Antonio), surface area (e.g., 5,000 m<sup>2</sup>), agricultural ID, utilization percentage (100%), temperature (e.g., 18.7 °C), humidity (e.g., 35%), and wind speed (e.g., 1.5 m/s).

Бизнинг фермер хўжаликлар учун барча дала ишлари ва ҳаракатларини кузатиш ва ечимни яхшилашга хизмат қилади. PLANTATOR аграр ишлаб чиқаришга доир муаммоларни ахборот технологиялари ёрдамида ечадиган профессионал тизим.



Plantator тизими асосан мева ва сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган дастур. Шунингдек қишлоқ хўжалигининг аниқ йўналишларида ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ва йирик тизимларда ҳам тез-тез фойдаланилади. Ундан фойдаланиш деярли ҳар доим дарҳол фойда келтиради. Бу тизимдан фойдаланиш юқори самарадорликни, ишни тўғри ташкил этиш ва юқори

молиявий натижаларни олишни таъминлайди. Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот

<http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/146781/Plantator-%20System/Siseth> веб саҳифасида келтирилган.

Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтираимиз

The screenshot shows a Polish accounting software interface. The main window displays an invoice titled 'Wydanie zewnętrzne nr 5/WZ/10/2015 (kwit nr 90/1) z dnia 2015-03-09'. The supplier information is 'Dane dostawcy/kontrahenta: 1017 Cunha Castro, CRUZEIRO-SP, Rua Michel Calfat, 763; 12703-140 CRUZEIRO-SP'. The invoice number is 'Nr. rej: |'. The table below shows the items:

L.p.	Asortyment	Opakowanie z towarem	Ilość opak.	Ilość w opak.	JM
1	Bluecrop	Skrzynka plastikowa zielona	15	12	kg
<b>PODSUMOWANIE</b>			<b>19</b>		kg
<b>PODSUMOWANIE OGÓŁEM</b>			<b>19</b>		


## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ҲҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ






Agri360 қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик корхоналарини янада самарали бошқариш учун яратилган бўлиб ҳисобланади. Бу дастурий таъминот жуда содда ва фойдаланишда чекловлар йўқ ва фойдаланувчи интерфейси соддалиги.

Исталган жойда ва исталган вақтда шахсий компьютер, планшет ва телефон орқали Интернетга кириб Agri360 ёрдамида фермангиз ҳисоб-китобларни, масалаларни бошқариш ва бошқаларни бажариш мумкин. Бу дастурдан фойдаланиш ферманинг меъёрида ишлаб туришини таъминлайди.


Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.ca.terra.com/farm-management-software/spotlight/139778/Agri360/Agrimap> веб саҳифасида келтирилган.



Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ҶЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ  
ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ




*AgriNavia ферма бошқорувчилари, қишлоқ хўжалик маслаҳатчилари ва пудратчилар учун ишлаб чиқарилган.*

AgriNavia сарф харажатларни қисқартириш, самарадорликни ошириш, шунингдек дехқончилик ишлари учун зарур маълумотларни алмашилишига кўмаклашади.


Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот [http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/147224/AgriNavia a%20/AgriNavia](http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/147224/AgriNavia%20/AgriNavia)

веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган



Gospodarstwo 2014		
Pola	Data/Stan	Środki
2014-04-01	Opcyjnalny okres	2014-04-26
1-0	Jęczmień jary, paszowy	20,00 ha
2-0	Jęczmień jary, paszowy	20,00 ha
3-0	Jęczmień jary, paszowy	15,00 ha
2014-04-01		Wykonano
Areal czynn.		15,00 ha
Natasia		180,00 kg
Agregat uprawowo siewny		1,00 ha
2014-04-12		Wykonano
Areal czynn.		15,00 ha
Oprysk		1,00 ha
Mustang Forte 195 SE		0,80 l
2014-04-13		Zaplanowano
Areal czynn.		15,00 ha
Aplikacja RSM		1,00 ha
RSM 32% ZAP		105,60 kg
2014-04-26		Zaplanowano
Areal czynn.		15,00 ha
Oprysk		1,00 ha

## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ҶЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



Agrinavia MANAGEMENT - [Field records (Applied)]

Management Reports Field plan Field records Organic fertilizers Stock management Cardfiles Help

Crop year 2013

Create treatment Add product Delete treatment Delete product Copy treatments Note Job sheets Scenarios

Treatments Fertilizer plan

Field P 1 Status (all) Period (unlimited) Products (all)


Field	Treatment	Status	Date	Job no.	Treat. area	Machine	Product	Active substance	P	Vol/ha	Vol. in total
Agro FARM	Winter wheat, bread, Exotic						Carrier + 8530			1,00	23.
		Done	13/09/2012		23.26	Machine				2,00	47.
		Done	12/10/2012		23.96	Plant protection	Touchdown			0,20	4.
						Machine	Dubex + 7530			1,00	23.
		Done	13/10/2012		23.26	Machine	Tiger + 9R560			1,00	23.
		Done	18/10/2012	31	23.26	Seed	Exotic			235,00	5466.

MapShots AgStudio FARM дастури Фермерларга ҳосилдорликни ҳисоблаш, ресурс захираларини олиб бориш ва суғориш ишларини кузатиш имконини беради.

Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/141995/AgStudio%20FARM/MapShots> веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



<http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/150642/FarmLogics/FarmLogics%20Technologies>

FarmLogics

FarmLogics дастури фирмалар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ташкилотлари, савдо ташкилотлари учун ишлаб чиқилган. Фермер хўжаликларида ходимлар бошқаруви, иш ҳақи, векселлар, омборхона, сотиш, сотиб олиш ҳамда тегирмон харажатларини юритиш пакетлари мавжуд. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ресурсларини бошқариш, фермер ташкилотлари шарномаларини рўйхатга олиш ишларини амалга оширувчи булутли дастур.

Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/141995/AgStudio%20FARM/MapShots> веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган



Кўриб ўтилган дастурлардан ташқари юзлаб-минглаб дастур ва тизимлар  
мавжуд.



### Назорат саволлари:

1. Мультимедиа тушунчасига таъриф беринг.
2. Мультимедиа маҳсулоти таркибига нималар киради?
3. Мультимедиа воситаларини санаб беринг.
4. Мультимедиа технологиясининг асосий ташувчиларига нималар киради?
5. Мультимедиа иловаларини санаб беринг.
6. Мультимедиа технологияларининг афзалликларини ва хусусиятларини санаб ўтинг.
7. Мультимедиа технологияларини қўллаш соҳалари.
8. 3D технологияларининг ютуқ ва камчиликлари нимада?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Irene Cheng, Lluís Vicent, Anup Basu, Randy Geobel. Multimedia in education Adaptive learning and testing.-Singapore-2010
2. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма -Т: ТГЭУ, 2013г

## 2-мавзу: Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш усуллари. Қишлоқ хўжалигига оид фанларини ўқитишда оммавий онлайн очик курслар

### Режа:

- 2.1. Масофавий таълим усуллари ва ўқитиш моделлари
- 2.2. LMS электрон таълимни бошқариш тизимлари.
- 2.3. Электрон таълимни бошқариш тизимлари тахлили.
- 2.4. Қишлоқ хўжалигига оид масофавий таълим ва Оммавий онлайн очик курслари.

***Таянч иборалар:** масофавий ўқитиш, масофавий таълимни ташиқ қилиш усуллари, масофавий ўқитиш тизими, ўқув муассасасида масофавий таълим (МТ), Масофавий ўқитиш, Мослашувчанлик, Модуллик, Параллеллик, Йироқлашган аудитория, Масофавий таълим моделлари, LMS, ОООК.*

### 2.1. Масофавий таълим усуллари ва ўқитиш моделлари

Замонавий социал-иқтисодий жараёнда таълим тизимининг анъанавий ўқитиш шакли таълим олувчилар эҳтиёжини тўлақонли қондира олмаяпти. Таълим олишга ўта мухтож бўлган маълум тоифадаги шахслар анъанавий таълим шаклида таълим олишга шарт-шароити ва имкониятлари етишмайди.

Ҳозирги кунда масофавий таълим энг оммабоб таълим шакли бўлиб, ривожланган мамлакатларда 30 йилдан буён фойдаланиб келинмоқда ва таълимнинг барча даражаларини ўзида мужассам этган халқаро таълим тизимининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. XX асрнинг охирларида дунёда масофавий таълим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жихатдан истиқболли таълим шакли сифатида тан олинди. Бугунги кунда масофавий усуллар орқали таълим олувчи таълим муассасалари тармоғи 5 қитъани қоплаган. Масофавий таълим бошқа ўқитиш шакллариининг энг яхши хусусиятларини ўзида бирлаштириб, истиқболи, инсонпарвар, синтетик, интеграллашган таълим шаклига айланган. Бу ва бошқа демократик ўқитиш шакли ёши ва ижтимоий ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда унча катта бўлмаган харажатлар билан касбга эга бўлиши, малакасини ошириш, иккинчи мутахассисликни олиши, танлаган ўқув курсининг бўлим ва мавзуларини чуқур ўрганиши ёки ўқув предметларидан билимларини тўлдириши, ўқишни иш (агроном, зооинженер, менежер) билан биргаликда олиб бориши, қисқа ўқув курсларида ўқиши мумкин бўлади.

Ҳозирги замонавий таълим жараёнига ананавий тушунчалар каторида янги-янги тушунчалар кириб келмоқда. Куйида шу тушунчалардан асосийлари келтирилиб, уларга таърифлар бериб ўтамиз.

**Ўқитиш**—бу маълум бир мақсадга йуналтирилган тизимли билим ва кўникмалар билан қуролланган жараёндир.

**Таълим**—бу ўқитишнинг натижаси бўлиб, шахсни тарбиялаш ва уни ривожлантиришдир.

**Масофавий ўқитиш**—энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва сиртки ва кундузги таълим шаклларини ўз ичига олган ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

**Масофавий ўқиш**—бу янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим конун-қоидалари асосида ўқув шартлари шароитлари асосида ўқитувчи билан ўқувчи мулоқотни таъминлаб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчининг қайси жойда ва қайси вақтда ўқишига боғлиқ эмас.

**Масофавий таълим**—масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот мухити ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва хорижий таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуосидир.

Масофавий ўқитишнинг ва масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик мақсади ва зарурияти мавжуд.

Масофавий таълим анъанавий таълим туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади.

**Мослашувчанлик**—Таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва муддатда таълим олиш имкониятининг мавжудлиги.

**Модуллилик**—Бир бирига боғлиқ бўлмаган мустақил ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳлар талабига мос ўқув режасини тузиш имкониятининг мавжудлиги.

**Параллеллик**—Ўқув фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имкониятининг мавжудлиги.

**Кенг қамровлилик**—Кўп сонли ўқувчиларнинг бир вақтнинг ўзида катта ҳажмдаги ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва бошқалар) захираларига мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли ўқувчиларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ёки ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имконияти.

**Иктисодий тежамкорлик**—Ўқув майдонлари, техника воситалари, транспорт воситалари ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини бир жойга йиғиш, уларни тартибланган қуринишга келтириш ва бу маълумотларга кўп сонли мурожаатни ташкил қилиб бера олиш, мутахассисларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни камайтиради.

**Ижтимоий тенг ҳуқуқлилик**—Таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиғи, ижтимоий келиб чиқиши ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти.

**Интернационаллик**—Таълим соҳасида эришилган жаҳон стандартларига жавоб берадиган ютуқ ва тажрбаларни импорт ва экспорт қилиш имконияти.

**Ўқитувчининг янги роли**—Масофавий ўқитиш ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди ўқитувчи

ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда бераётган фанини мунтазам мукамаллаштириши, салоҳият ва ижодий фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади.

**Сифат**—Масофавий ўқитиш усули таълим бериш сифати бўйича кундузги таълим туридан қолишмайди. Балки, тажрибали маҳаллий ва хорижий дарс берувчи мутахассисларни жалб қилиб, энг яхши ўқув-методик мажмуалар ва назорат қилувчи тестлардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мумкин.

Юқоридагилар ҳисобга олинганда масофавий таълим мажмуаси жуда кўп қулайликларга эга.

Шундан келиб чиққан ҳолда масофавий таълимнинг мақсадига қуйидагилар киради:

- Мамлакат микёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча ўқувчилар, талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш.
- Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш.
- Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қушимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш.
- Таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини кондиритиш ва таълим муҳитини кенгайтириш.
- Узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.
- Таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим комплексини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради.

### **Масофавий ўқитиш нима?**

Дарҳақиқат, масофавий ўқитиш нима, ундан узлуксиз таълим тизимида қандай фойдаланиш мумкин. Унинг қандай шакл ва моделлари мавжуд?

Инсоният йигирманчи аср нихоясида бир туркум муаммоларга дуч келдиким, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий узғаришлар, хусусан ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланишига боғлиқ. Таълим, ишлаб чиқариш ва кишилиқ жамиятининг турли жабҳаларига янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Интернет глобал компьютер тармоғини ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йуналишларини очилишига сабаб бўлди. Биринчидан, ўқув муассасаларининг техник таъминотини кескин ўзгариши, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йул очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усулларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жахон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга уз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни узлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Маълум сабабларга кура, таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида тахсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги такоза этмайдиган, мутахассислигини узгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа урнатишга, яъни хабарларни жунатиш ва қабул қилишга мулжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеоматериаллар талабаларга материалларни тинглаш ва куриш имконини беради, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашилиш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;
- таълимда қўлланиладиган анъаналари;

- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салохияти ва бошқалар.



### Масофали ўқитиш моделлари

*Бирламчи модель.* Масофавий ўқитишнинг бу шаклида кундузги бўлимда бевосита машғулот утказиш шарт эмас, барча ўқитиш маълум масофада ташкил этилади. Лекин таълим олувчилар унга биркитилган ўқитувчилар билан доимий алоқада бўладилар. Таълим олувчиларга консултатив ёрдам ва якуний имтихон топшириш учун маҳаллий вакиллар ташкил этилади. Бунда ўқув жараёнининг шакл ва усуллари таълим олувчи ва талаба томонидан эркин танланади, ўқув машғулотлари жадвали ва ўқитиш вақти чегараланмайди. Купчилик очик университетларда таълим ўқитишнинг бирламчи модели асосида қурилган, масалан, Буюк Британия очик университетида масофавий ўқитишнинг ушбу моделидан фойдаланилади <http://www.open.ac.uk>

*Иккиламчи модель.* Таълим муассасасида ўқиш ҳам кундузги таълимда, ҳам қисман кундузги ва қисман масофавий таълимда олиб борилади. Ҳар иккаласида дарс жадвали ва ўқитиш дастури бир хил.

Таълим олувчилар учун назорат бир хил критерия асосида баҳоланади. Таълим муассасасида қўлланиладиган масофавий ўқитишнинг бу иккиламчи модели ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди, чунончи ўқитишнинг асосий қисми таълим олувчилар томонидан қопланади. Масалан, иккиламчи моделдан Австралиянинг университетларида фойдаланиб келинмоқда (<http://www.unedu.au>)

*Аралашган модель.* Бу модель масофавий ўқитишнинг турли шакллари камраб олади, тўғрироғи турли масалалар интеграцияси, масалан, таълим олувчилар ўқув материалнинг маълум бир қисмини масофавий ўқитиш билан кетма-кет, бошқа қисмини параллел равишда кундузги бевосита ўқитиш орқали оладилар. Айрим машғулотлар виртуал семинарлар, намойиш (презентация), маъруза шаклида олиб борилади. Таълим муассасаси қанчалик ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминланган бўлса, ўқитиш шакллари турли-туман қуринишда ташкил этилиши мумкин. Ўқитишнинг бу интеграция шаклларида Массей ва Янги Зеландия университетларида фойдаланилмоқда (<http://massey.ac.nz>)

*Консорциум.* Ушбу модель иккита таълим муассасасининг ўзаро алоқасида олиб борилади, яъни ўқув материалларини ишлаб чиқариш ва уларни масофавий ўқитишда айрим функцияларни ўзаро бўлиб олишга асосланади. Биринчи муассаса масофавий ўқитиш учун ўқув материалларини ишлаб чиқиш билан шуғулланса, иккинчи муассаса виртуал ўқув гуруҳларини ўқитиш воситалари ёки масофавий ўқитиш дастури ижросини таъминлайди. Ўзаро алоқада, ишловчи бу муассасалар университет, ёхуд таълим билан шуғулланувчи марказлар, факультетлар ва хатто тадбиркорлик ва давлат ташкилотлари ҳам бўлиши мумкин.

Консорциум катъий марказий бошқариш, хусусий мулк ва муаллифлик ҳуқуқи белгиланган тарзда таъминланган ҳолда самарали натижа беради.

Ўқитишнинг бу моделидан масалан, Канадада очик ўқув агентлигида фойдаланиб келинмоқда (<http://www.ola.bc.ca>).

*Франчайзинг.* Масофавий ўқитишнинг франчайзинг тамойилига асосланган бу моделда мулоқотдаги таълим муассасалари ўзаро узлари яратган масофавий курсларни алмашадилар. Таълим хизмати бозорида яхши деб топилган маҳсулот эгаси бўлган таълим муассасаси бошқа таълим муассасаларига яратган ўқув курсларини беради, ёхуд масофавий ўқитиш орқали машғулотлар олиб борилади. Ушбу моделнинг характерли жиҳати шундаки, маълум бир таълим муассасасида ўқиш нияти бўлган талаба етук олий муассасанинг консорциуми орқали ўша ҳажмда, лекин юқори сифатли билим ва ўқиш ниҳоясида диплом олиш имконига эга бўлади.

Франчайзинг модели асосида ўқиш ташкил этилган таълим муассасаларига очик университет - Бизнес олий таълим муассасаси ва улар билан мулоқотда бўлган Шаркий Европа университетларини келтириш мумкин.

*Валидация.* Масофавий ўқитишнинг бу модели кенг тарқалган ўқитиш шаклларида ҳисобланади. Мулоқотда бўлган барча таълим муассасалари ўзаро тенг даражада масофавий ўқитиш бўйича битим тузадилар. Улар биргаликда масофавий ўқитиш дастури ва курсини яратадилар, бериладиган диплом ва сертификатлар бир хил даражада тан олинади.

*Йироқлашган аудитория.* Ушбу моделда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари кенг қўлланилади. Маълум бир таълим муассасасида ташкил этилган ўқув курслари, маъруза ва семинарлар синхрон телекурсатув, видеоконференция, радиоалоқа тарзида телекоммуникация каналлари орқали талабалар йотилган йироқдаги аудиторияларга намойиш қилинади. Бу вазиятда ўқитувчи талабалар йотилган йирик аудитория билан ишлайди.

Масофавий ўқитишнинг бу моделидан АҚШнинг Висконсин университети, худди шунингдек, Хитойнинг Марказий радио ва телевидение университетида фойдаланиб келинмоқда.

*Лойиҳалар.* Масофавий ўқитишнинг ушбу моделидан давлат аҳамиятига молик йирик масштабли лойиҳаларни жорий қилишда фойдаланилади. Ушбу моделда асосий роль ўқув материалларини яратган малакали кадрлар, ўқитувчилар, олимлар ўтилган илмий-методик марказга берилади. Марказда яратилган масофавий курслар у ёки бу мамлакатнинг

катта аудиториясига намойиш қилинади. Унда ўқитиш мавсумий бўлиб, ўз мақсадига эришилгандагина тугатилади. Масофавий ўқитишнинг бу курсига мисол қилиб экология, кишлоқ хужалиги билан боғлиқ бўлган янги агротехник усуллар билан таништиришга оид курсларни келтириш мумкин. Масофавий ўқитишнинг лойиҳалаш моделидан Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ташкилотларида кенг фойдаланилмоқда.

## **2.2. LMS электрон таълимни бошқариш тизимлари.**




Интернет, кўплаб бошқа соҳаларда бўлгани каби, таълим тизимида катта бурилиш яратди. 20-аср давомида масофавий таълимдан узоқ масофада бўлганлиги, ногирон, ишлаганлиги сабабли университетдаги дарсларга иштирок эта олмаган кўплаб кишилар томонидан фойдаланилган. Таълим ресурсларини етказиш учун почта ёки телефондан фойдаланишган. Интернет жуда қийин бўлган узатиш ишларини, билим олувчиларни ўқитувчилар кўллаб-қувватлашини ва кўплаб бошқа ишларни осонлаштиради. Бу талабаларга турли кўринишдаги ишларини юбориш ёки ўқитувчига кўникмаларини дарҳол намойиш этиш, бошқа талабалар билан ҳамкорликда ўрганиш имкониятини яратди. Бу таълимни бошқариш тизимлари яратилишига сабаб бўлди. LMS тизими таълим тизимида ўқитиш ва ўрганишни кўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган дастурий таъминот. Мазмунан LMS инструктор-бошчилигида интернетда виртуал сунфларда дарслар ва курсларни етказиш, шу жумладан, бир ташкилот доирасида биргаликда ўрганиш тадбирларини режалаштириш ва бошқариш учун дастурий таъминот.

Вебдаги рақамли медиа

Кўпчилик Вебсайтлар мултимедиаларни ўз ичига олиб у иловаларга мурожаат қилиб матн ва медиаларни териб олади. Медиа графиклар, аниматсия, аудио, видео ва виртуал реалликни ўз ичига олади. Бўлимлар Вебнинг медиа турларидан қандай қилиб фойдаланишини муҳокама қилади.

Графиклар


График матнсиз ахборотнинг кўрғазмали тақдимоти хусусан чизиш, жадвал ёки фотонинг кабилардир. Кўплаб Вебсайтлар хабарларни юбориш учун рангли графиклардан фойдаланадилар (Расм 2-22). Расмда кўрсатиб ўтилганидек баъзи Вебсаҳифалар ўз саҳифаларида бошбармоқтирноқларидан фойдаланадилар чунки каттароқ графиклар намойиш қилиш учун кўп вақт сарфловчи бўлиши мумкин. бошбармоқтирноқлари катта графикларнинг кирич бир версияси бўлиши ҳам мумкин. бошбармоқлани расмални тўлиқ кўрсатиш учун тигишингиз мумкин.



2-22 Расм. Кўп Веб-саҳифалар маълумотларни узатиш учун ранг баранг графиклардан фойдаланиладилар. Масалан, San Diego Zoo Веб-саҳифаси алоҳида висуал, Веб-саҳифа майдонларига эътиборни тортадиган турли ранглар, расмлар, шакллар ва эскизлардан фойдаланилган ва бу Веб-саҳифани янада ёқимли ва кучли қиладди.<sup>14</sup>

Кўпинча Веб инфографиклардан умумий тушунчаларни, махсулотларни ва янгиликларни кўрсатиш учун фойдаланади. Инфографик (информацион график учун қисқартма) маълумотлар ёки ахборотларнинг кўрказмали намойиши бўлиб тезлик билан алоқага чиқиш, умумий тушунчаларни осонгина комплекслаш ёки трендларнинг тузилишини кўрсатиш учун дизайнлаштирилган (2-23 Расм). Кўпчилик инфографиклар ўз ичига олади: хариталар, белгилар, жадвал ва диаграммалар.

Вебдаги график тузилишини намойиш қилиш учун (Расм 2-6)



<sup>14</sup> Misty E Vermaat, Susan L Sebok, Steven M Freund. Discovering Computers (C)2016 (2016 edition). USA, 2016. 88 бет.

JPEG ва PNG форматлари кўпроқ умумийдир. JPEG (JAY –peg деб талаффуз қилинади) сиқилган график шакли бўлиб расм сифати ва файл ўлчами ўртасидаги балансни чўзишга ҳаракат қилади. JPG файллари билан кўпроқ файллар, кичиклаштирилган суратлар ва пац сифатлар пресланади. PNG (ping деб талаффуз қилинади) патентли бепул сиқилган график формати бўлиб файл томоша қилинганда барча суратларни қайта сақлайди. Шунга кўра PNG формати сиқиш мобайнида сурат сифатини йўқотмайди.

Анимация. Кўплаб Вебсаҳифалар анимациядан фойдаланадилар у кетма-кетликдаги суратларни турли ҳаракатлар билан намоиш қилади. Масалан матн янгилашишлар, янгиликлар, спорт натижалари, об-ҳаво ёки бошқа маълумотларни экран бўйлаб турли ҳаракатлар бўйлаб ўйнатиб кўрсатиши мумкин. Web асосланган ўйинлар кўпинча анимациялардан фойдаланадилар.

Аудио. Вебда сиз аудио клиплар ва жонли аудиоларни тинглашингиз мумкин. Аудио мусиқа, нутқлар ёки бошқа овозларни ўз ичига олади. Оддий иловалар компьютер ва мобил қурилмада юклаб олиш учун оддий файлларда мавжуд бўлади. Юкланиб олиниши билан файлларни тинглашингиз мумкин.<sup>15</sup>

Таълимни бошқариш тизимлари веб-асосланган бўлади(яъни, улар интернет орқали ишлайди) ва ўз ичига мулоқот қилишни таъминлаш учун воситалар тўплами, талаба олган балларини ўқишга рухсат бериш, билимларни баҳолаш, онлайн ҳамкорлик, курсларни тақсимлаш, контент юклаш ва юклаб олиш, гуруҳ талабаларини бошқариш, талабаларни олган билимлари бўйича йиғиш ва гуруҳлаш сўровномалар ўтказиш кузатиш воситалари ва бошқаларни ўз ичига олади. Таълимни бошқариш тизимларининг функционал вазифаси фақат масофавий таълим эмас, балки у "дарсдан чиқиб" университетда таълим олишни кўллаб-қувватлаганлиги учун қизиқарли бўлган. Лекин ноутбуклар ва нетбуклар оммалаштириш билан, LMSлардан аудиторияларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлди. Таълимни бошқариш тизимлари<sup>16</sup>


